

Ҳадис 179-дарс. Аллоҳ таолонинг розилигини ўйлаб иш тутиш



Ҳадис
ДАРСЛАРИ

179-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.

19:00 / 13.04.2022 4708

نَمَّ لَأَقْمَلَسُو هِيَلَعَلَلِ صِيْبَنَّ لِنَعْنَعُ لَلِضَرَّهَ رِيْبَ أْنِ
أَيُّنْدَلَامَ أَضْرَعُ وَبِصِيْلِ أَلْمَلَعَتِي أَلْهَلْأُ هَجُ وَبِ عَتْبِي أَمَّ أَمْلَعَمَلَعَت
هَجَامُنْ بَاوْدُوَادُ وَبَأْهَ أَوْرَهَ أَيْقَلْ مَوِيَهَ نَجْلَ فَرَعُ دَجِي مَلْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни фақат дунёнинг ўтқинчи матоҳига эришиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят ривоят қилганлар.

Шарҳ: Исломда илм талаб қилиш, хусусан, динда фақиҳ бўлиш учун илм ўрганиш фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун бўлади. Шундай қилган одам икки дунёда ҳам бахт-саодатга эришади. Бу дунёда ҳурмат-эҳтиром ила ҳаёт кечиради, охирада эса жаннати маъводан жой олади. Аммо кимки диний илмларни, яъни ҳадисда айтилганидек, Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни дунёнинг ўтқинчи матоҳига эришиш учун, яъни мансаб учун, пулу мол учун, риё учун ўрганса, жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди. Шунинг учун диний илмларни талаб қилганда киши ўта ҳушёр бўлиши, ниятини соф қилиши, фақат Аллоҳ таолонинг розилигини

ўйлаб иш тутиши керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди